

ISSN: 2181-9416



ЮРИСТ АХБОРОТНОМАСИ

ВЕСТНИК ЮРИСТА * LAWYER HERALD

ҲУҚУҚИЙ, ИЖТИМОИЙ, ИЛМИЙ-АМАЛИЙ ЖУРНАЛ



CYBERLENINKA

НАУЧНАЯ ЭЛЕКТРОННАЯ
БИБЛИОТЕКА
LIBRARY.RU

ISSN 2181-9416
Doi Journal 10.26739/2181-9416

ЮРИСТ АХБОРОТНОМАСИ

1 СОН, 4 ЖИЛД

ВЕСТНИК ЮРИСТА

НОМЕР 1, ВЫПУСК 4

LAWYER HERALD

VOLUME 1, ISSUE 4



TOSHKENT-2024

Мундарижа

КОНСТИТУЦИЯВИЙ ҲУҚУҚ. МАЪМУРИЙ ҲУҚУҚ. МОЛИЯ ВА БОЖХОНА ҲУҚУҚИ

1. АЗИЗОВ Бунёд Мавлонович

“МАЪМУРИЙ ТАРТИБ-ТАОМИЛЛАР ТЎҒРИСИДА”ГИ ҚОНУН ҚЎЛЛАНИЛАДИГАН
СОҲАЛАРНИ КЕНГАЙТИРИШ ВА ТАКОМИЛЛАШТИРИШ МАСАЛАЛАРИ.....8

ФУҚАРОЛИК ҲУҚУҚИ. ТАДБИРКОРЛИК ҲУҚУҚИ. ОИЛА ҲУҚУҚИ. ХАЛҚАРО ХУСУСИЙ ҲУҚУҚ

2. ШАДИЕВА Сайёра Арифовна, ЧЕРКАШИНА Ирина Александровна

АКТУАЛЬНЫЕ ПРОБЛЕМЫ ПРАВОВОГО РЕГУЛИРОВАНИЯ ДОЛЕВОГО ЖИЛИЩНОГО
СТРОИТЕЛЬСТВА В РЕСПУБЛИКЕ УЗБЕКИСТАН..... 16

3. РАХМОНКУЛОВА Нилуфар Ходжи-Акбаровна

ЧЕТ ЭЛ ЭЛЕМЕНТИ БИЛАН МУРАККАБЛАШГАН НИКОҲЛАРНИ ҚАЙД ЭТИШДА ШАХСИЙ
ҚОНУННИ ҚЎЛЛАШ ОҚИБАТЛАРИ..... 23

4. ИЛЬЯСОВ Улугбек Бахтиярович

ДВУСТОРОННИЕ ИНВЕСТИЦИОННЫЕ СОГЛАШЕНИЯ: СУЩНОСТЬ И РОЛЬ В
РЕГУЛИРОВАНИИ ИНВЕСТИЦИОННЫХ ОТНОШЕНИЙ 31

5. БОРОТОВ Алишер Хомидович

ХУСУСИЙ МУЛКНИНГ ҲУҚУҚ ВА КАФОЛАТЛАРИГА ДОИР АЙРИМ МУЛОҲАЗАЛАР 42

МЕҲНАТ ҲУҚУҚИ. ИЖТИМОЙ ТАЪМИНОТ ҲУҚУҚИ

6. АБДУЛЛАЕВА Дилфуза

МЕҲНАТ МУНОСАБАТЛАРИНИ ТАРТИБГА СОЛИШДА ТЎЛИҚСИЗ ИШ ВАҚТИ:
МИЛЛИЙ ВА ХОРИЖИЙ ТАЖРИБА..... 50

7. ХАМРАҚУЛОВ Шавкатжон Салимович

ИШ БЕРУВЧИНИНГ ФУҚАРОЛИК ЖАВОБГАРЛИГИНИ МАЖБУРИЙ СУҒУРТАЛАШ
ШАРТНОМАСИ БЎЙИЧА СУБРОГАЦИЯНИ ҚЎЛЛАШ МАСАЛАЛАРИ..... 58

ЖИНОЯТ ҲУҚУҚИ, ҲУҚУҚБУЗАРЛИКЛАРНИНГ ОЛДИНИ ОЛИШ, КРИМИНОЛОГИЯ. ЖИНОЯТ-ИЖРОИЯ ҲУҚУҚИ

8. ПРИМОВ Обиджон Мусирманович

КОРРУПЦИЯ БИЛАН БОҒЛИҚ ЖИНОЯТЛАРГА ҚАРШИ КУРАШИШДА ТЕЗКОР-ҚИДИРУВ
ВА ТЕРГОВ ОРГАНЛАРИНИНГ ҲАМКОРЛИГИ 66

9. ЭШНАЗАРОВ Меҳриддин Жўраевич

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИДА ҲУҚУҚБУЗАРЛИКЛАР МАХСУС ПРОФИЛАКТИКАСИ
ЧОРА-ТАДБИРЛАРИНИ АМАЛГА ОШИРИШНИНГ ҚОНУНИЙ АСОСЛАРИНИ
ТАКОМИЛЛАШТИРИШ..... 72

10. БАРАТОВА Дилноза Одилжон қизи

НОҚОНУНИЙ МИГРАЦИЯНИНГ ИЖТИМОЙ ХАВФЛИЛИГИ ВА УНИНГ УЧУН ЖИНОЙ
ЖАВОБГАРЛИКНИНГ ИЖТИМОЙ ЗАРУРАТИ 78

ЖИНОЯТ ПРОЦЕССИ. КРИМИНАЛИСТИКА, ТЕЗКОР-ҚИДИРУВ ҲУҚУҚ ВА СУД ЭКСПЕРТИЗАСИ

11. УМАРҲОНОВ Азизхон Шарипхонович ҲИМОЯ ҚИЛИНАДИГАН ШАХСЛАРГА НИСБАТАН ЖИНОЯТ ПРОЦЕССИ ИШТИРОКЧИЛАРИНИНГ ХАВФСИЗЛИГИНИ ТАЪМИНЛАШНИ ҚЎЛЛАШНИНГ САБАБЛАРИ, АСОСЛАРИ ВА МЕЗОНЛАРИ.....	88
--	----

ХАЛҚАРО ҲУҚУҚ ВА ИНСОН ҲУҚУҚЛАРИ

12. РАҲМАНОВ Шухрат Наимович МЕЖДУНАРОДНО-ПРАВОВЫЕ АСПЕКТЫ ОПРЕДЕЛЕНИЯ ПОНЯТИЯ «МЕЖДУНАРОДНАЯ МИГРАЦИЯ».....	95
13. ГАНИБАЕВА Шахноза ПОВЕСТКА ДНЯ В ОБЛАСТИ УСТОЙЧИВОГО РАЗВИТИЯ НА ПЕРИОД ДО 2030 ГОДА: НОВЫЕ ВЫЗОВЫ ОБЕСПЕЧЕНИЯ ПРАВ И НАИЛУЧШИХ ИНТЕРЕСОВ ДЕТЕЙ В МИРЕ...	102
14. СОДИКОВ Акмал Шавкат ўғли ИСЛОМ ҲУҚУҚИДА СУНЪИЙ ИНТЕЛЛЕКТГА БЎЛГАН МУНОСАБАТ.....	109
15. МИРУКТАМОВА Феруза Лутфуллаевна ХОРИЖДАГИ ВАТАНДОШЛАР (ДИАСПОРА) БИЛАН АЛОҚАЛАРНИ ТАЪМИНЛАШ ВА ҲАМКОРЛИКНИ РИВОЖЛАНТИРИШГА ДОИР ХАЛҚАРО ВА МИЛЛИЙ АМАЛИЁТ ТАҲЛИЛИ	117
16. ШАРАПОВ Шухрат Шокирович ТАЪЛИМ ОЛИШ ҲУҚУҚИНИ АМАЛГА ОШИРИШНИ КАФОЛАТЛАЙДИГАН ГЛОБАЛ КОНВЕНЦИОНАЛ АСОСЛАР	127
17. ГАФУРОВА Нозимахон Эльдаровна, ТОШМАТОВА Висолахон МЕЖДУНАРОДНО-ПРАВОВОЕ РЕГУЛИРОВАНИЕ ПРАВ ПОЖИЛЫХ.....	135
18. ВАКНРАМОВА Mokhinur Bakhramovna TRENDS IN THE DEVELOPMENT OF DIGITAL HUMAN RIGHTS	144
19. ТУРСУНОВ Ойбек Батырович КЛАССИФИКАЦИЯ ИСТОЧНИКОВ МЕЖДУНАРОДНОГО ВОДНОГО ПРАВА	151


ЮРИСТ АХБОРОТНОМАСИ ВЕСТНИК ЮРИСТА LAWYER HERALD

МИРУКТАМОВА Феруза Лутфуллаевна

Тошкент давлат юридик университети
Халқаро ҳуқуқ ва инсон ҳуқуқлари кафедраси доценти в.б.,
юридик фанлар бўйича фалсафа доктори (PhD)
E-mail: miruktamovaf@gmail.com

ХОРИЖДАГИ ВАТАНДОШЛАР (ДИАСПОРА) БИЛАН АЛОҚАЛАРНИ ТАЪМИНЛАШ ВА ҲАМКОРЛИКНИ РИВОЖЛАНТИРИШГА ДОИР ХАЛҚАРО ВА МИЛЛИЙ АМАЛИЁТ ТАҲЛИЛИ

For citation (иқтибос келтириш учун, для цитирования): МИРУКТАМОВА Ф.Л.
Хориждаги ватандошлар (диаспора) билан алоқаларни таъминлаш ва ҳамкорликни
ривожлантиришга доир халқаро ва миллий амалиёт таҳлили // Юрист ахборотномаси –
Вестник юриста – Lawyer herald. № 1 (2024) Б. 117-126.

 1 (2024) DOI <http://dx.doi.org/10.26739/2181-9416-2024-1-15>

АННОТАЦИЯ

Мақолада диаспора феномени моҳияти ва унинг аҳамияти юзасидан фикрлар келтириб ўтилган. Диаспора билан ҳамкорликка доир халқаро ҳуқуқий ҳужжатлар таҳлил қилинган. Муаллиф диаспора билан муносабатларни шакллантириш ва ривожлантиришга оид хорижий давлатлар сиёсати, норматив ҳужжатлари ва институционал тузилмалари тўғрисида маълумотлар келтирилган. Шунингдек, хориждаги ватандошлар билан доимий мулоқот ва ҳамкорликни олиб боришга доир миллий қонунчилик ҳужжатлари таҳлили амалга оширилган. Муаллиф халқаро ҳужжатлар ва хорижий давлатлар тажрибасидан келиб чиқиб, хориждаги ватандошлар билан доимий мулоқот ва ҳамкорликни янада ривожлантириш, уларнинг мамлакатимизда олиб борилаётган ислохотлардаги иштирокини фаоллаштириш ва рағбатлантириш борасида ўз таклиф ва тавсияларини илгари сурган.

Калит сўзлар: Диаспора, ватандошлар, хориждаги ватандошлар билан алоқаларни ривожлантириш, хориждаги ўзбеклар.

МИРУКТАМОВА Феруза Лутфуллаевна

И.о. доцента кафедры Международного права и прав человека
Ташкентского государственного юридического университета,
доктор философии по юридическим наукам (PhD)
E-mail: miruktamovaf@gmail.com

АНАЛИЗ МЕЖДУНАРОДНОГО И НАЦИОНАЛЬНОГО ОПЫТА ПО ОБЕСПЕЧЕНИЮ СВЯЗЕЙ И РАЗВИТИЮ СОТРУДНИЧЕСТВА (ДИАСПОРА) С СООТЕЧЕСТВЕННИКАМИ ЗА РУБЕЖОМ

АННОТАЦИЯ.

В статье рассматриваются сущность феномена диаспоры и его значение. Проанализированы международно-правовые акты по сотрудничеству с диаспорой. Представлена информация о политике, нормативных документах и институциональных структурах зарубежных стран, связанных с формированием и развитием отношений с диаспорой. Также был проведен анализ национальных законодательных актов по развитию постоянного диалога и сотрудничества с соотечественниками за рубежом. На основе международных актов и опыта зарубежных стран автором выдвинуты предложения и рекомендации по дальнейшему развитию сотрудничества с соотечественниками за рубежом, а также поощрению их участия в проводимых в стране реформах.

Ключевые слова: Диаспора, соотечественники, развитие сотрудничества с соотечественниками за рубежом, узбеки за рубежом.

MIRUKTAMOVA Feruza Lutfullayevna

Acting Assistant Professor at Tashkent State University of Law,

Doctor of Philosophy (PhD) in Law

E-mail: miruktamovaf@gmail.com

ANALYSIS OF INTERNATIONAL AND NATIONAL PRACTICE IN ENSURING RELATIONS AND DEVELOPING COOPERATION WITH COMPATRIOTS ABROAD (DIASPORA)**ANNOTATION**

The article examines the essence of the diaspora phenomenon and its significance. International legal acts on cooperation with the diaspora are analyzed. Information is presented on the policies, regulations and institutional structures of foreign countries related to the formation and development of relations with the diaspora. An analysis of national legislative acts on the development of constant dialogue and cooperation with compatriots abroad was also carried out. Based on international acts and the experience of foreign countries, the author put forward proposals and recommendations for the further development of cooperation with compatriots abroad, as well as encouraging their participation in the reforms ongoing in the country.

Keywords: diaspora, compatriots, development of cooperation with compatriots abroad, uzbeks abroad.

Хорижда яшовчи ватандошларнинг ҳуқуқларини ҳимоя қилиш тизимини мустаҳкамлаш, улар билан муносабатларни сақлаш ва ривожлантириш масаласи бутун дунёда долзарб аҳамиятга эга. Глобаллашув ва замонавий технологияларнинг ривожланиши уларнинг барқарор ривожланишни таъминлашда фаол иштирок этиши учун шароитлар яратмоқда.

Диаспора деганда, келиб чиқиш ҳудуди (мамлакати) билан моддий ва эмоционал алоқаларни сақлайдиган ва айни пайтда қабул қилувчи жамиятнинг чекловлари ва имкониятларига мослашувчи муҳожирларнинг трансмиллий ҳамжамияти тушунилади. Диаспора дастлаб одамларни маданий келиб чиқиши (бирдамлик, ўзига хослик) асосида бирлаштиришга интиладиган жамоа сифатида шаклланган. Шунинг учун диаспоралар фаолияти трансмиллий хусусиятга эга ва унинг таъсири трансмиллий механизмлар орқали амалга оширилади [1, Б.127].

Диаспора феномени кўплаб тадқиқотлар объекти бўлишига қарамай, “диаспора” тушунчаси ҳали ҳам аниқ таърифга эга эмас ва шунинг учун олимлар томонидан турлича талқин қилинади. Бунинг сабаби шундаки, *диаспора* мураккаб ва хилма-хил ҳодиса бўлиб, илмий билимларнинг турли соҳаларида – тарих, социология, этнология,

сиёсатшунослик, маданиятшунослик ва б. соҳаларда тадқиқот объекти сифатида ўрганилади. Мазкур ҳолатнинг ўзи ушбу феноменни тушунишга бўлган ёндашувларда хилма-хилликнинг муқаррарлигини кўрсатади.

Замонавий маънода *диаспора* атамаси (юнонча *διασπορά*, “тарқалиш”) ўз мамлакатидан ташқарида яшовчи, истиқомат қилаётган мамлакатда яхлит ва барқарор этник гуруҳларни ташкил этувчи ва ижтимоий институтларга эга бўлган халқнинг (этник гуруҳнинг) бир қисми сифатида тушунилади ҳамда атама сифатида XX асрнинг охиридан фойдаланиб келинмоқда [2, Б.493].

Диаспоралар автоном равишда мавжуд бўлиб, трансмиллий ўзаро муносабатларда қатнашадилар. Бундай ўзаро муносабатларда диаспораларнинг иштирок этиш эҳтимоли баъзи ҳолатларда ортади, яъни: яшаш мамлакатади диаспоранинг қониқарсиз ҳолати билан; мезбон давлат ва келиб чиққан мамлакат ўртасидаги муносабатларни ўзгартириш учун зарур асослар юзага келганда; мамлакатда кескин ижтимоий-сиёсий инқироз шароитида. Муайян диаспоранинг аҳамияти унинг миллий, демографик ва бошқа хусусиятларига боғлиқ бўлади. Диаспоралар глобал, минтақавий ва миллий даражада ўз мақсадларига асосан давлат институтларига таъсир ўтказиш орқали эришадилар.

Чет элдаги ватандошларни давлат томонидан қўллаб-қувватлаш, яъни диаспора сиёсати хориждаги жамоаларнинг ички консолидациясини кучайтириш ва уларнинг яшаш мамлакатади ҳокимият органларига таъсир қилиш салоҳиятини ривожлантиришда етакчи роль ўйнашга мўлжалланган. Этник ҳамжамиятни ўз давлати томонидан қўллаб-қувватлашнинг табиати ва интенсивлиги уни яшаш мамлакатади сиёсий жиҳатдан тарғиб қилиш муваффақиятини ва лобби тузилмаларини яратиш имкониятини бевосита белгилайди [3, Б.401].

Бугун дунёдаги мавжуд йирик диаспоралар сифатида қуйидагиларни ажратиб кўрсатиш мумкин: немислар – 75 миллионга яқин, хитой диаспораси – 35 миллиондан ортиқ, ҳиндлар – 25 миллиондан ортиқ, руслар – 25 миллиондан ортиқ, поляклар – 21 миллион, украин – 12 миллионга яқин, арман – 8 миллионга яқин, яҳудийлар – 8 миллионга яқин, лўлилар – 8 миллионга яқин, черкес (адиге) – 7,5 миллиондан ортиқ, юнонлар – 7 миллионга яқин, турклар – 6,5 миллиондан ортиқ, қозоқлар – 3,5 миллиондан ортиқ, вьетнамлар – 3,5 миллиондан ортиқ, беларуслар – 3,5 миллионга яқин, озарбайжонлар – 2,4 миллионга яқин [4, Б.64].

Диаспораларни, эҳтимол, аҳолининг миграциялашуви жараёнининг муваффақиятли натижаси дейиш мумкин. Мигрантлар мезбон давлат жамиятига хавфсиз тарзда қўшилишга муваффақ бўлгандан кейин, иммигрант этник жамоалар – диаспораларнинг бирлашиши жараёни (консолидация) содир бўлади. Баск, арман, рус, фаластин, исроил, америка, италян, хитой, ҳинд, ливан, куба, юнон, турк, араб ва нигерия диаспоралари муваффақият ва фаровонликка эришган жамоалар сифатида эътироф этилиши мумкин [5, Б.155].

Камелии Тигау, муҳожирлар ўз тарихий ватанлари билан алоқани сақлаб қолишади ва кўпинча бу алоқа сиёсий ёки иқтисодий бўлиб чиқади, деб ҳисоблайди. Натижада, муҳожирлар миллати ва уларни қабул қилувчи мамлакат миллати ўртасида ўзаро манфаатли ва самарали муносабатлар ўрнатилади [6, Б.26].

Хориждаги ватандошлар билан алоқаларни таъминлаш, ҳимоя қилиш ва ривожлантиришнинг умумий масалалари БМТ Низомининг мақсад ва тамойиллари, шунингдек, Инсон ҳуқуқлари бўйича Умумжаҳон Декларация, 1966 йилги Фуқаролик ва сиёсий ҳуқуқлар тўғрисидаги Халқаро Пакт, Иқтисодий, ижтимоий ва маданий ҳуқуқлар тўғрисидаги Халқаро Пакт нормаларига асосланади ва 1965 йилги Ирқий камситишнинг барча шаклларида барҳам бериш тўғрисидаги халқаро конвенция, Қочоқлар мақоми тўғрисидаги конвенция (1951); Ёшлар ўртасида тинчлик, ўзаро ҳурмат ва халқлар ўртасидаги ўзаро тушуниш ғояларини тарқатиш тўғрисидаги декларация (1965); Яшаётган мамлакат фуқароси бўлмаган шахсларнинг инсон ҳуқуқлари тўғрисидаги декларация (1985); Бола ҳуқуқлари тўғрисидаги конвенция (1989); Барча меҳнат муҳожирлари ва уларнинг оила аъзоларининг ҳуқуқларини ҳимоя қилиш тўғрисидаги

конвенция (1990); Миллий ёки этник, диний ва тил бўйича озчиликларга мансуб шахслар ҳуқуқлари тўғрисидаги декларация (1992) мақсад ва тамойилларига асосланади.

Бундан ташқари, хориждаги ватандошлар билан алоқаларни таъминлаш, ҳимоя қилиш ва ривожлантириш соҳасидаги бир қатор халқаро мажбуриятлар минтақавий халқаро ташкилотларнинг ҳам норматив актларида, 1961 йилдаги Европа ижтимоий Хартиясида (11-модда), 1981 йилги Инсон ва халқлар ҳуқуқлари тўғрисидаги Африка Хартияси (16-модда) ва 1988 йилги Иқтисодий, ижтимоий ва маданий ҳуқуқлар тўғрисидаги инсон ҳуқуқлари бўйича Америка Конвенциясининг қўшимча протоколида мавжуд. Шунингдек, 1975 йилги ЕХХТ Хельсинки Акти, 1999 йилда қабул қилинган Миллий озчиликларнинг жамоат ва сиёсий ҳаётда самарали иштирок этишига доир Лунд тавсиялари ҳамда 2012 йилги Турли жамиятларни бирлаштириш бўйича Любляна тавсияларида ҳам мазкур соҳага доир қоидалар ўз аксини топган.

Шу билан бирга, инсон ривожланишининг умумий масалалари, шу жумладан чет элдаги ватандошларнинг диаспораларини жалб қилиш 2030 йилда барқарор ривожланиш кун тартибида, ривожланишни молиялаштириш бўйича учинчи халқаро конференциянинг Аддис Абеба ҳаракатлар дастурида ўз аксини топган.

Халқаро ҳамжамият 2018 йилда Марокаш шаҳрида “Хавфсиз, тартибли ва қонуний миграция тўғрисида Глобал шартнома”ни маъқуллади. Глобал шартноманинг 19-мақсади барча мамлакатларда мигрантлар ва диаспораларнинг барқарор ривожланишга тўлиқ ҳисса қўшишлари учун шароит яратишга бағишланган.

2022 йил 5 апрелда бўлиб ўтган Глобал диаспора саммитида **Диаспора билан глобал ҳамкорлик бўйича Келажакдаги ҳаракатлар режаси** (Дублин декларацияси) қабул қилинди. Унда мавжуд форумлар ва ташаббуслар билан бир қаторда, диаспора иштирокини устувор йўналишга айлантириш учун ҳукумат ва илмий доиралар, фуқаролик жамияти ва хусусий сектор ўртасидаги ҳамкорликнинг инклюзив экотизимини ривожлантирувчи **Сиёсий масалалар бўйича Глобал Диаспора Альянсини** яратиш мақсадга мувофиқлиги кўрсатилган. Бундан мақсад диаспора билан ўзаро алоқаларни яратишни келиб чиқиш давлати ва қабул қилувчи давлатлар сиёсати ва амалиётини ишлаб чиқишда устувор қилиб белгилашдан иборат.

Замонавий дунёда хориждаги ватандошларни қўллаб-қувватлаш қўллаб ҳукуматлар фаолиятининг муҳим йўналишига айланди. Миграция жараёнларининг глобал фаоллашуви ва инсон ресурслари учун рақобатнинг кучайиши шароитида ватандошларнинг репатриациясини рағбатлантириш миграция сиёсатининг таркибий қисми сифатида тобора кучайиб бормоқда.

Диаспора билан ҳамкорлик қилиш учун институционал тузилмаларнинг яратилиши ва диаспора манфаатида сиёсат ва механизмларнинг ишлаб чиқилиши ҳукуматнинг диаспора билан алоқага киришиш ва ривожланиши учун уларнинг капиталини жалб этишга бўлган интилишининг ёрқин далилидир.

Хорижий мамлакатларда мазкур соҳада шаклланган сиёсат таҳлили шуни кўрсатадики, уларни шартли равишда тўртта асосий гуруҳга бўлиш мумкин:

Биринчи модель. Диаспораларни миллатнинг асосий элементи сифатида бирлаштириш вазифасидан келиб чиқувчи **интеграцион модел** (Арманистон, Исроил, Польша);

Иккинчи модель давлатларнинг тарихан белгиланган мажбуриятларига асосланади (Германия – Иккинчи Жаҳон урушидан кейин 10 миллиондан зиёд этник немислар келиб жойлашган, Франция Жазоирда бўлиб ўтган урушдан сўнг у ердан қайтган 1 ярим миллион реэмигрантларни қабул қилган, Қозоғистон – 1 миллионга яқин оралманни қайтаришга муваффақ бўлди ва аҳолининг этник таркибини титулли миллат фойдасига ўзгартиришга эришди).

Учинчи модель аҳоли депопуляциясига қарши кураш устуворлиги, аҳоли сонининг камайиши ва қаришига қарши кураш, чет элдан қўшимча кадрларга бўлган эҳтиёжни қондириш, шу билан бирга хавфларни минималлаштиришга асосланган (Россия Федерацияси, Япония). Масалан, Япония хорижликларнинг иммиграциясини чеклаб, ўз

ватандошларини ва уларнинг авлодларини, хусусан, Лотин Америкасидан репатриация қилишга ҳаракат қилди [7, Б.62].

Тўртинчи модель хорижий мамлакатларда камситиш ва этник тозалашга учраган ватандошларини қайтаришга эътибор қаратувчи давлатлар учун хосдир (Покистон, Бангладеш ва б.).

Бугунги кунда 60 дан ортиқ мамлакатлар (Ҳиндистон, Туркия, Германия, Франция, Россия, Хитой, Қозоғистон, Полша, Белорусия, Украина, Сербия, Хорватия, Япония, Исроил, Грузия, Арманистон, Озарбайжон ва б.) самарали институционал диаспора сиёсатини амалга ошироқда, ҳар йили чет элдаги диаспораларни қўллаб-қувватлаш учун бюджетдан катта миқдорда маблағ ажратиб келмоқда [3, Б.403].

Хориждаги ватандошларга нисбатан самарали диаспора сиёсатини олиб бораётган мамлакатлар тажрибаси таҳлили шуни кўрсатадики, ушбу соҳада бир қатор давлатлар узоқ муддатли мақсадли стратегиялар ва уларни амалга оширишнинг аниқ ҳуқуқий асосларини ишлаб чиқишган.

Польша ўз чегараларидан ташқарида катта миллий озчиликка эга бўлган Европа давлатлари гуруҳига кирилади.

Польшада уларнинг этник гуруҳи вакиллари билан маданий алоқаларнинг асосий йўналишлари ва шакллари тизими икки томонлама структурани ташкил қилади. Бир томондан, бу давлат органлари. Бу ерда асосий ролни узоқ вақтдан бери Сенат ва Сейм, шунингдек Ташқи ишлар вазирлиги ўйнаган. Полшада ватандошларга ёрдам кўрсатиш учун давлат дастурлари ишлаб чиқилган. Бошқа томондан эса, булар турли жамоат ташкилотлари ва маҳаллий ўзини ўзи бошқариш органларидир [8, Б.142].

Польшада қабул қилинган “Поляк картаси тўғрисида”ги қонун (2007) ўз хоҳишига кўра эмас, балки ҳарбий аралашувлардан кейин чегара ўзгаришлари натижасида давлатни тарк этган собиқ Польша фуқаролари ва уларнинг авлодлари учун маънавий ва моддий зарар ўрнини қоплаш учун қабул қилинган. Қонун келиб чиқиши полякларга тегишли бўлган МДҲ ва Болтиқбўйи мамлакатлари фуқароларига поляк картасини беришни назарда тутди. Ушбу ҳужжат узоқ муддатли кўп марталик миллий визани бепул олиш имконини беради. Мамлакатда Польша диаспораси билан ишлашда масъул орган сифатида 2008 йилда ташкил этилган Польша Ташқи ишлар вазирлиги таркибидаги Полония билан ҳамкорлик департаменти фаолият юритади. Польша ҳукумати биринчи Бутунжаҳон Полоний Конгресси (Варшава, 2001) таклифига биноан 2 май кунини Бутунжаҳон Полония ва хориждаги поляклар кунини нишонлашга катта аҳамият беради [7, Б.66].

Франциядаги диаспора инфратузилмаси Европа Иттифоқига аъзо бошқа давлатларга қараганда нисбатан кенгроқ. Сўнгги йилларда Франция турли муассасалар: вазирликлар, дипломатик тармоқ, маслаҳат ва вакиллик органлари, шунингдек парламент ваколатхонаси орқали диаспорани яратиш бўйича кенг кўламли лойиҳада иштирок этди. Сўнгги йилларда Франция сиёсий партиялари ҳам чет элдаги иштирокини сезиларли даражада оширди.

Хорижда яшовчи француз фуқаролари учун жавобгарлик Франциянинг Европа ва Ташқи ишлар вазирлиги зиммасида ҳисобланади. Франциялик муҳожирлар ўзларининг яшаш мамлакатларида Франциянинг кенг дипломатик тармоғига ишонишлари мумкин – у дунёда АҚШ ва Хитойдан кейин учинчи ўринда турувчи – 213 консуллик ва 500 дан ортиқ дипломатик миссияларни ўз ичига олади.

Франция хориждаги ватандошлар билан мулоқот қилиш учун Францияда ёки уларнинг яшаш мамлакатларида ўтказиладиган маслаҳат органлари орқали расмий форумларни ташкил этган. 1948 йилда расмий фармон билан Хориждаги Француз Олий Кенгаши (the High Council for French Abroad) тузилади, бироқ 2004 йилда унинг ўрнига Хориждаги Французлар Ассамблеяси (Assembly for French Abroad) ташкил этилади. Унинг асосий вазифаси чет элдаги франциялик фуқаролар билан боғлиқ масалалар бўйича Франция ҳукумати учун мажбурий характердаги хулосаларни тайёрлашдан иборат.

Хориждаги фуқароларга сайлов ҳуқуқини бериш сиёсатининг бир қисми сифатида

Франция миллий парламентнинг қуйи ва юқори палаталарида ажратилган ўринлар орқали дискрет вакилликни ташкил этган. Юқори палатага (Assemblée Nationale) сайловлар учун француз фуқароларининг хориждаги демографик тақсимотига асосланиб (2011 йилдан бери) географик жиҳатдан аниқланган 11 та экстратерриториал сайлов округи мавжуд. Қуйи палатада (Sénat) хориждаги фуқаролар вакиллари учун 12 та ўрин ажратилган, аммо улар географик жиҳатдан аниқланмаган, чунки бу вакиллар консуллик маслаҳатчилари томонидан билвосита сайланади. Бу амалиёт орқали Франция ўз парламентида эмигрантлар манфаатларини ифодалашни кафолатлайди [9, Б.194].

Шуни таъкидлаш керакки, туризм доирасида диаспора учун қулай муҳит яратиш мақсадида айрим мамлакатларда ёшлар учун ўқув саёҳатлари, академик алмашинув дастурлари ва хизмат сафарида бўлган ишчилар ва мансабдор шахслар учун VIP турлар таклиф этувчи кўргазмали дастурлар қабул қилинган. Бундай туризм дастурлари одатда давлат-хусусий шериклик орқали таклиф этилади ва келиб чиқувчи давлати билан ўзаро кучли ҳиссий алоқаларни янада ривожлантириш мақсадини кўзлайди.

Жумладан, Taglit-Birthright дастурига кўра, 1999 йилдан буён Исроил бутун дунёдан 18 ёшдан 26 ёшгача бўлган юз минглаб, аниқроғи ҳеч қачон Исроилга таълим дастурлари доирасида ташриф буюрмаган ва сўнгги 12 йил давомида Исроилда яшамаган яҳудийларни таклиф қилмоқда. 10 кун давом этувчи бу турне уларни Исроилга сиёсий ва этник жиҳатдан боғлиқлигини янада кучайтириш мақсадида ташкил этилади. Бугунги кунда Birthright Israel дунёдаги энг йирик таълим туризми ташкилотидир.

Исроилда 2009 йилда Қуддус ва диаспора ишлари вазирлиги ташкил этилди. Бу вазирлик Исроил давлати ва яҳудий диаспораси ўртасидаги муносабатлар учун масъул бўлган ва Исроилнинг халқаро майдондаги масалага доир сиёсатини изоҳловчи давлат идораси бўлиб ҳисобланади.

Вазирлик Исроилнинг бутун дунё бўйлаб элчихоналари ва консулликлари ҳамда Хориждаги исроилликларни гуманитар ва ҳуқуқий ҳимоя билан таъминлайдиган Исроил агентлиги билан яқин ҳамкорликда фаолият олиб боради [10, Б.74].

Бир қатор хорижий мамлакатларда, хусусан, Озарбайжон, Грузия, Латвия, Россия, Украина, Беларусь Республикаси ва Қирғизистонда ватандошлар ва улар бирлашган диаспораларнинг ҳуқуқий мақоми алоҳида қонун билан тартибга солинади. Хусусан, Украинада 2004 йилдан буён “Хориждаги украинлар тўғрисида”ги қонун амалда мавжуд [11]. Украина Вазирлар Маҳкамаси ҳузурида Хориждаги украиналиклар масалалари бўйича миллий комиссия фаолият юритади. Дунёда 1000 га яқин украин диаспораси ташкилотлари мавжуд [12, Б.15].

Озарбайжон минтақада диаспораларни жалб қилиш сиёсатини қўллаган биринчи давлат бўлди. 2002 йилда “Хорижда истиқомат қилувчи озарбайжонликларга нисбатан давлат сиёсати тўғрисида”ги қонун қабул қилинди. Қонунни қабул қилишдан мақсад хорижда яшовчи озарбайжонларнинг асосий ҳуқуқ ва эркинликларини ҳимоя қилиш; хориждаяшовчи озарбайжонлар, давлат органлари вана давлат ташкилотлари ўртасидаги алоқаларни мустаҳкамлаш; хорижда яшовчи озарбайжонларни Озарбайжоннинг ички ва ташқи сиёсати ҳақида маълумотлар билан таъминлаш; хориждаяшовчи озарбайжонларни мамлакат мустақиллиги ва суверенитетини ҳимоя қилиш ва мустаҳкамлаш, унинг иқтисодий, ижтимоий ва маданий ривожланишига жалб этишдан иборат эди. Диаспорани жалб этиш сиёсатини амалга оширишда мамлакатда ихтисослашган муассаса – Диаспора билан ишлаш давлат қўмитаси фаолият кўрсатмоқда. У озарбайжон диаспораси билан алоқаларни ўрнатиш ва қўллаб-қувватлаш ҳамда бутун дунёдаги озарбайжонларга миллий бирликни таъминлаш борасидаги саъй-ҳаракатларини қўллаб-қувватлашга масъулдир. *Жаҳон озарбайжонлари конгресси* ўз ватандошларининг ҳуқуқ ва эркинликларини ҳимоя қилиш, диаспора манфаатларини ҳимоя қилиш ва қўллаб-қувватлашга кўмаклашиш ҳамда диаспора ёшлари билан ишлаш стратегиясини ишлаб чиқишга интилаётган диаспора фаоллари учун муҳокама майдони ҳисобланади. Диаспоранинг ўзаро ҳамкорлигини давлат томонидан қўллаб-қувватлашнинг асосий мақсадларидан бири бу диаспора раҳбарлигидаги озарбайжонпараст лоббининг

Озарбайжоннинг дунё ва Европа сиёсатидаги манфаатларининг ўрни ва аҳамиятини оширишга қаратилган ишларни амалга оширишдан иборат [13, Б.7].

Ўзбекистон мустақилликни қўлга киритиши билан хориждаги ватандошларни қўллаб-қувватлаш ва улар билан ўзаро ҳамкорлик қилиш курсини белгилаб олди. Давлат суверенитети тўғрисидаги декларация ва “Ўзбекистон Республикасининг давлат мустақиллиги асослари тўғрисида”ги қонун хорижда истиқомат қилаётган ватандошларни қўллаб-қувватлашнинг ҳуқуқий асосларини яратди.

Таъкидлаш жоизки, миллий қонунчиликда “ватандошлар” тушунчасига таъриф беришда икки хил ёндашув мавжуд. Хусусан, “Ўзбекистон Республикасининг фуқаролиги тўғрисида”ги Қонуннинг 3-моддасига мувофиқ, Ўзбекистон Республикаси ҳудудида туғилган ёки илгари унинг ҳудудида яшаган, Ўзбекистон Республикасининг фуқаролигига эга бўлмаган, Ўзбекистон Республикаси ҳудудидан ташқарида яшайдиган шахслар ватандошлар сифатида эътироф этилади.

Бундан ташқари, қонунда насл-насаб шажараси бўйича тўғри туташган ўзидан кейинги қариндошлари, башарти, агар уларнинг насл-насаб шажараси бўйича тўғри туташган ўзидан олдинги қариндошлари Ўзбекистон Республикаси ҳудудида яшаётган бўлса ҳамда Ўзбекистон Республикасининг фуқаролари бўлса, ватандошлар сифатида қаралиши белгиланган.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2018 йил 25 октябрда қабул қилинган “Хорижда истиқомат қилаётган ватандошлар билан ҳамкорлик соҳасида Ўзбекистон Республикаси давлат сиёсатини янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги Қарорига кўра, қуйидагилар ватандошлар сифатида тан олинishi мумкин:

Ўзбекистон ҳудудидан ташқарида доимо истиқомат қиладиган ёки таълим олиш, меҳнат фаолияти билан шуғулланиш, оилавий сабаблар ва бошқа шароитлардан келиб чиқиб вақтинчалик чет элда юрган Ўзбекистон Республикаси фуқаролари;

хорижга чиққан ва чет эл фуқаролигини олган, Ватанига маънавий ва маданий нуқтаи назардан мансубликни ҳис қилган ҳамда Ўзбекистон Республикаси билан маданий-гуманитар, ижтимоий-иқтисодий ва бошқа алоқаларни ривожлантиришга ҳаракат қиладиган Ўзбекистондан чиқиб кетган шахслар ва уларнинг авлодлари;

этник, тил ва маданий-тарихий нуқтаи назардан ўзини ўзбеклар ёки қорақалпоқлар сифатида идентификация қилган ҳамда Ўзбекистон билан ҳар томонлама алоқада бўлиш хоҳишида бўлган хорижда истиқомат қиладиган чет эл фуқаролари ва фуқаролиги бўлмаган шахслар.

Таъкидлаш жоизки, бошқа мамлакатларда қочоқлар ва уларнинг миграцияси билан муаммолар, миллатлараро низолар туфайли диаспоралар мавзуси олимларнинг диққат-эътиборига айланган бўлса, улардан фарқли ўлароқ, Ўзбекистонда диаспоралар ҳаётига қизиқиш халқимизнинг ўз этник илдизларини ўрганишга бўлган қизиқиши ортиши туфайли бошланди. Бошидан давлат сиёсатининг асоси сифатида белгилаб берилган бағрикенгликка асосланган миллий сиёсат мамлакат хавфсизлиги ва миллатлараро муносабатлардаги барқарорликда ўзининг ижобий натижасини кўрсатди.

Чет элда яшовчи ватандошлар билан муносабатларни сақлаш ва ривожлантиришнинг амалий жиҳатлари биринчи марта Ўзбекистон Республикаси Олий Кенгашининг 1992 йил 14 январдаги “Хориждаги ватандошлар билан алоқаларни мустаҳкамлашга доир чора-тадбирлар тўғрисида”ги Қарорида тартибга солинган, аммо бир қатор объектив ва субъектив сабабларга кўра, ушбу соҳадаги фаолият тўхтатилган.

2017 йилдан бошлаб Ўзбекистонда хорижда истиқомат қиладиган ватандошлар билан доимий мулоқот ва ҳамкорликни ривожлантириш, уларнинг мамлакатимизда амалга ошириладиган ислохотларда иштирокини рағбатлантириш, уларнинг ҳуқуқ ва манфаатларини тўлиқ ва ҳар томонлама рўёбга чиқаришга кўмаклашиш борасида салмоқли ишлар амалга оширилди.

Тегишли манбаларга асосланиб, шуни айтиш мумкинки, бугунги кунда хорижда истиқомат қиладиган ватандошларимиз катта диаспорани ташкил қилмоқда. Ўрганишлар улар умумий сонини 8 млндан зиёдлигини кўрсатмоқда. Шулардан, Афғонистонда – 3

843 000 млн., Тожикистонда – 1,5 млн., Кирғизистонда – 940 000, Қозоғистонда – 605 137, Россияда – 489 862, Туркменистонда – 500 000, Покистонда – 280 000, Саудия Арабистонда – 170 000, Туркияда – 75 000дан ошиқ АҚШда – 80 000 дан зиёд, Украинада – 25 353, Кореяда – 16 800, Канадада – 5000, Швецияда – 4 000 дан ошиқ, Латвияда – 2 161, Белорусда – 1 593, Австралияда – 1000дан ошиқ, БАА, Монголия, Франция, Жазоир, Хитой, Финляндия ва б.да мингга яқин ватандошлар истиқомат қилади [3, Б.411].

Мустақиллик йилларида республикамизда ватандошлар ҳуқуқларини таъминлаш масалаларини тартибга солувчи 20 га яқин ҳуқуқий ҳужжатлар қабул қилинди. 2023 йилги конституциявий ислохотлар даврида Асосий Қомусимизнинг 23-моддаси халқаро ҳуқуқ нормаларига мувофиқ хорижда истиқомат қилаётган ватандошлар билан муносабатларни сақлаш ва ривожлантириш тўғрисида давлатнинг ғамхўрлик қилиш мажбуриятини белгиловчи норма билан тўлдирилди.

Мавзунинг турли жиҳатлари Сайлов кодекси нормаларида, “Ўзбекистон Республикасининг фуқаролиги тўғрисида”ги ҳамда “Ўзбекистон Республикасида чет эл фуқароларининг ва фуқаролиги бўлмаган шахсларнинг ҳуқуқий ҳолати тўғрисида”ги қонунларда тартибга солинган.

Бундан ташқари, давлатимиз раҳбари томонидан чиқарилган бир қатор қарор ва фармонларда мавзуга оид бир қатор аниқ нормалар белгилаб қўйилди. Жумладан, Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2018 йил 25 сентябрда қабул қилинган “Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги “Эл-юрт умиди” жамғармаси фаолиятини ташкил этиш ва ватандошлар билан мулоқотни ташкил этиш тўғрисида”ги Фармони, 2017 йил 23 майда қабул қилинган “Ўзбекистон Республикаси Маданият вазирлиги ҳузуридаги Миллатлараро муносабатлар ва хорижий мамлакатлар билан дўстлик алоқалари қўмитаси фаолиятини ташкил этиш тўғрисида”ги ва 2021 йил 11 августда қабул қилинган “Ватандошлар” жамоат фондиди ташкил этиш тўғрисида”ги Қарорларини мисол тариқасида келтириш мумкин.

2018 йилнинг апрель ойида давлатимиз раҳбари ташаббуси билан “Буюк келажак” халқаро нодавлат нотижорат ташкилоти ташкил этилди. Ташкилотнинг Экспертлар кенгаши Россия, АҚШ, Германия, Буюк Британия, Белгия, Канада, Дания, Швейцария, БАА, Саудия Арабистони, Хитой Халқ Республикаси, Сингапур, Япония, Туркия, Қозоғистон, Финляндия каби 35 дан ортиқ давлатда истиқомат қилувчи 300 дан ортиқ ватандошларимизни бирлаштирган.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг “Ўзбекистон – 2030” стратегиясини 2023 йилда сифатли ва ўз вақтида амалга ошириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги қарорда мамлакатимизнинг ватандошлар билан муносабатларни ривожлантириш соҳасидаги стратегик устувор йўналишлари белгилаб берилди [14]. Маълумки, “Ўзбекистон – 2030” стратегияси 5 та устувор йўналиш бўйича 100 та муҳим мақсад ўз аксини топган. Стратегиянинг 94-мақсади хорижда истиқомат қилаётган ватандошларни қўллаб-қувватлаш, улар билан доимий мулоқот тизимини жорий этиш доирасида қуйидагилар назарда тутилган:

ватандошлар томонидан ташкил этилган жамоат бирлашмалари фаолиятини ҳар томонлама рағбатлантириш ва уларнинг сонини 300 тага етказиш;

ўзбек тили ва адабиёти, тарих, маданият, санъат ва ҳунармандчилик йўналишидаги олийгоҳларда хориждаги ватандошлар учун 200 та грант ажратиш;

ватандошлар иштирокида тиббиёт, таълим ва илм-фан соҳаларида 100 та лойиҳани амалга ошириш;

ватандошлар жамоат бирлашмаларига етказиб бериладиган бадиий адабиётлар сонини 100 мингга ошириш.

Шу билан бирга, ватандошлар билан алоқаларни ривожлантиришнинг аҳамияти ва долзарблиги ошаётган бир пайтда, мамлакатимизда улар билан самарали ҳамкорликни олиб бориш ва ислохотларни сифат жиҳатдан яхшилашда уларнинг салоҳиятини жалб қилиш борасида қуйидаги қатор муаммолар сақланиб қолмоқда:

диаспора сиёсатини шакллантиришда ватандошларнинг мақсадли гуруҳлари

(ишбилармонлар, сиёсий ва жамоат арбоблари, ижодий синф вакиллари, олимлар, маданият арбоблари, спортчилар ва б.) дифференциацияси (фарқлаш) амалга оширилмаслиги;

иқтисодий, ижтимоий, инвестициявий, илмий-маърифий, маданий ва бошқа устувор лойиҳалар ҳамда дастурларни амалга оширишда ватандошларнинг салоҳиятидан оқилона фойдаланмаслиги;

халқ дипломатияси имкониятларидан етарлича фойдаланилмаслик;

барча стратегик ва тармоқ ҳужжатларда диаспора ривожланиш ҳамкори сифатида белгиланмаганлиги;

дунёнинг турли мамлакатларида мавжуд диаспораларни ўрганиш бўйича замонавий амалий тадқиқотлар етарли эмаслиги ва б.

Юқорида келтирилган таҳлиллардан келиб чиқиб, мамлакатимизда хориждаги ватандошларга нисбатан диаспора сиёсатини амалга оширишда, қуйидаги вазифаларни белгилаш мақсадга мувофиқ.

аввало, диаспора сони, яшаш жойи, иш соҳаси, кўникмалари ва қизиқишлари ҳақида аниқ тасаввурга эга бўлиш учун диаспора харитасини амалга ошириш;

Ўзбекистонда амалга оширилаётган лойиҳаларга ватандошларни жалб этиш бўйича амалдаги сиёсат, институционал тузилмалар ва ташкилотлар (шу жумладан нодавлат ноғижорат ташкилотлари), шунингдек давлат дастурларини таҳлил қилиш ва баҳолашни амалга ошириш;

давлат режалаштириш тизимининг барча ҳужжатларида диаспорани ривожланиш ҳамкори сифатида белгилаш, диаспоранинг Ўзбекистон Республикасига қўшаётган ҳиссаси ҳисобини таъминлаш;

дунёнинг турли мамлакатларида мавжуд диаспораларни ўрганиш бўйича илмий тадқиқотлар олиб бориш;

хорижда истиқомат қилаётган юқори малакали ўзбекистонликларни маҳаллий лойиҳаларни амалга оширишга жалб этиш;

мамлакатда “Ватандошлар куни”ни жорий этиш ва уни нишонлаш имкониятларини кўриб чиқиш керак. Ушбу тадбир доирасида диаспорага кўрсатган улкан хизматлари учун фуқароларни, шунингдек, диаспоранинг фаол аъзоларини давлат даражасида тақдирлаш мумкин, бу эса диаспора сиёсатини ахборот кузатуви билан таъминлашда муҳим аҳамиятга эга ва диаспорани мамлакат тараққиётига жалб этишда кўп томонлама ҳамкорлик фаолиятида фаол иштирок этаётган шахсларни рағбатлантиради. Диаспора масалаларини оммавий ахборот воситаларида тизимли асосда тарғиб қилиш.

Ўзбекистон Республикасининг “Хориждаги ўзбекистонликларни қўллаб-қувватлаш давлат сиёсати тўғрисида”ги қонунини қабул қилиш таклиф этилади. Қонунда ватандошлар тушунчасини унификациялаш ҳамда хорижда истиқомат қилаётган ватандошларга нисбатан давлат сиёсатининг мақсади ва тамойилларини, хорижда истиқомат қилаётган ватандошларнинг фуқаролиги билан боғлиқ масалаларни, давлатнинг соҳага доир иқтисодий, ижтимоий, маданий, тил ва таълим сиёсатининг устувор мақсадларини белгилаш мақсадга мувофиқдир.

Иқтибослар/Сноски/References:

1. Лошкарёв И.Д. Роль диаспор в современной мировой политике // Вестник МГИМО. 2015. №2 (41). URL: <https://cyberleninka.ru/article/n/rol-diaspor-v-sovremennoy-mirovoy-politike> (дата обращения: 07.02.2024).

2. Adamson F. B., Demetriou M. Remapping the Boundaries of “State” and “National Identity”: Incorporating Diasporas into IR Theorizing, European Journal of International Relations, 2019, vol. 13, No. 4, pp. 489-526.

3. Б. Исмаилов Институционализация диаспоральной политики и дипломатии в отношении соотечественников за рубежом: опыт иностранных государств и республики Узбекистан // ОИИ. 2020. №2. URL: <https://cyberleninka.ru/article/n/institutsionalizatsiya-diasporalnoy-politiki-i-diplomatii-v-otnoshenii-sootchestvennikov-za-rubezhom-opyt>

inostrannyh-gosudarstv-i (дата обращения: 11.02.2024).

4. Карсанова Е.С., Гуршумов Р.К. Диаспора как политический ресурс // Власть. 2020. №3. URL: <https://cyberleninka.ru/article/n/diaspora-kak-politicheskiy-resurs> (дата обращения: 07.02.2024).

5. Торреальба А. А. Три основных подхода диаспоральной дипломатии во внешней политике // Актуальные проблемы экономики и права. 2017. Т. 11, № 2. С. 154–169. DOI: <http://dx.doi.org/10.21202/1993-047X.11.2017.2.154-169>

6. Varadarajan L. The domestic abroad: Diasporas in international relations, Oxford University Press, 2010. <https://academic.oup.com/book/7447/chapter-abstract/152340314?redirectedFrom=fulltext>.

7. Акимова А. СООТЕЧЕСТВЕННИКИ ЗА РУБЕЖОМ. ОПЫТ ВЕНГРИИ, ПОЛЬШИ И РОССИИ // Обозреватель - Observer. 2019. №8 (355). URL: <https://cyberleninka.ru/article/n/sootechestvenniki-za-rubezhom-opyt-vengrii-polshi-i-rossii> (дата обращения: 11.02.2024).

8. Кручковский, Т.Т. Основные направления и формы культурных связей поляков Гродненской области с их исторической Родиной в 2010-е годы / Т.Т. Кручковский / Социокультурные, этнические и языковые процессы на евразийском пространстве сборник статей по материалам международной научно-практической конференции (13-14 декабря 2019 года). – Уфа, 2019. – С. 141-152. https://www.academia.edu/42404909/%D0%9E%D1%81%D0%BD%D0%BE%D0%B2%D0%BD%D1%8B%D0%B5%D1%84%D0%BE%D1%80%D0%BC%D1%8B_2019_%D1%81%D1%82%D0%B0%D1%82%D1%8C%D1%8F

9. Arrighi, JT, Lafleur, JM. (2020). Diaspora Policies, Consular Services and Social Protection for French Citizens Abroad. In: Lafleur, JM., Vintila, D. (eds) Migration and Social Protection in Europe and Beyond (Volume 2). IMISCOE Research Series. Springer, Cham. https://doi.org/10.1007/978-3-030-51245-3_11.

10. Schuster N., Keusch M. The EU should do more to engage with migrant diasporas to encourage development within and outside of Europe, 2013. URL: <http://blogs.lse.ac.uk/europpblog/2013/04/09/the-eu-should-do-more-to-engage-with-migrant-diasporas-to-encourage-development-within-and-outside-of-europe/>.

11. Закон Украины “О зарубежных украинцах” https://base.spinform.ru/show_doc.fwx?rgn=9419

12. Анализ и рекомендации (включая гендерный аспект) в отношении соответствующей политики и институтов для взаимодействия с диаспорой в Казахстане создан при финансовой поддержке Фонда развития Международной организации по миграции (IDF) // https://kazakhstan.iom.int/sites/g/files/tmzbd11586/files/documents/%D0%90%D0%BD%D0%B0%D0%BB%D0%B8%D0%B7%20%D0%B8%20%D1%80%D0%B5%D0%BA%D0%BE%D0%BC%D0%B5%D0%BD%D0%B4%D0%B0%D1%86%D0%B8%D0%B8..._RUS_print_0.pdf

13. Титтель-Моссер, Ф. (2021) Взаимодействие с диаспорой: ВЕЦА. Региональные серии. EUDiF // https://diasporafordevelopment.eu/wp-content/uploads/2021/04/EUDiF_Regional-Overview_EECA_RU-v.2.pdf

14. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2023 йил 11 сентябрдаги “Ўзбекистон — 2030» стратегияси тўғрисида”ги ПФ-158-сон Фармони // <https://lex.uz/docs/6600413>.